

Матбуот баёноти

Халифалик шарқий Туркистонни озод қилади ва уйғур мусулмонларини жиноятчи Хитой зулмидан халос қилади

Хитойнинг жиноятчи раҳбарлари мусулмонлар ҳокимларининг уйғур мусулмонларни ёрдамсиз ташлаб қўйишига алданиб қутурмоқда. Бу ҳокимлар шарқий Туркистондаги мусулмонларга ёрдамга шошилиш ўрнига долларларни афзал қўришди. Улар кек-адоватли хитой маъмурлари амалга ошираётган даҳшатли жиноятлардан кўз юмиб, кўр ва қар бўлиб олишди. Жиноятчи хитой маъмурлари бу мусулмонларни динлари бўлмиш Исломдан ажратиб ташлашга зўр бериб уринишмоқда. Бу беҳуда уринишдир. Зеро, уйғурларнинг аجدодлари ҳижрий биринчи аср охирларида Ислом нури билан ҳидоятланиб, унинг ақидасини қабул қилганларидан бошлаб Ислом уларнинг қалбидан чуқур жой олган.

Хитой маъмурлари мусулмонларни динларидан оздиришга уриниб, масжидларни ёпиб ташлаб, мусулмонларни ибодат қилишдан ва муборак Рамазон рўзасини тутишдан ман қилишмоқда, Исломнинг ҳар қандай кўринишига қарши уруш очишмоқда. Иш ҳатто улкан концлагерларни қуришлари даражасигача етди. Бу концлагерларда бир миллиондан кўп мусулмонлар азоб чекмоқда. Бу ваҳшийликлар кетма-кетма ўтказилаётган кампаниялар доирасида амалга оширилмоқда. Хитой маъмурларининг ёлғон даъвосича бу кампаниялардан мақсад “қайта тарбиялаш ва таълим” деган шиор остида “терроризмга қарши кураш”дир. Хитой маъмурлари зиёлиларни, уламолар, муфаккирлар, университетлар ўқитувчиларини қамоққа ташлашди. Буларнинг барчасидан мақсад кўрқув муҳитини ёйиш, мусулмонлар қалбида кўрқув уйғотиб, уларни бўйин эгишга мажбурлаш, Буюк Ислом динига мансубликларини тутуриқсиз, заиф ҳолга келтиришдир. Масалан “интелженс” журналининг хабар тарқатишича, Хитой “Ислом ҳар қандай йўл билан, ҳатто қийноқлар ва қатл орқали бўлса ҳам даволаш зарур бўлган ўта юқумли касалликдир” деб эълон қилди. Ҳьюман райтс вотч ташкилоти эса хитой маъмурларининг мусулмонларни руҳий ва жисмоний қийноқ таҳдиди остида Исломдан воз кечишга мажбурлаётгани ҳақида хабар тарқатди. Хитой маъмуриятининг даъво қилишича у ёвузлик учлиги: “терроризм”, “экстремистик ғоя” ва “сепаратизм” га қарши курашишга мажбур бўлмоқда эмиш. Бу ҳақда би.би.си хабар тарқатди. Мана шу ёлғон шиорлар остида хитой маъмурлари турли репрессив чораларни амалга оширмоқда.

Хитой маъмурияти мана шу ваҳшиёна кампанияларнинг барчасини амалга ошираётган бир пайтда мусулмонлар ҳокимларининг ўзаро тил бириктириб, мусулмонларни ёрдамсиз ташлаб қўйишдан бошқа нарсага ярамаётганини кўриб турибсиз. Бунга бир мисол Индонезия вице президенти Юсуф Каланинг 2018 йил 17 декабрда берган баёнотидир. У индонез ҳукуматининг шарқий Туркистондаги уйғур мусулмонлар азоб чекаётган ички муаммоларга аралаша олмаслигини билдирди. Унинг айтишича, бу хитой раҳбариятига тегишли иш эмиш. Хитой Индонезияда, Малайзия ва Покистонда сармоя сифатида ётқизган бир ҳовуч долларлар ва Хитой билан тузилган тижорий шартномалар мусулмонлар ҳокимларини мана шундай жиловлаб қўйди, оқибатда улар Аллоҳнинг шарқий Туркистондаги мусулмонларга ёрдам беришни фарз қилган амрига қулоқ солмайдиган бўлишди.

Шу билан бирга биз бу рувайбиза ҳокимларнинг Ислом уммати вакиллари эмаслигига аминмиз. Биз хитой раҳбариятини Исломий Уммат ғазабидан огоҳлантириб шуни айтаемизки, бу уммат Роббиси амрига қайтиб, мана шу ҳокимлар солган кишан-занжирларни парчалаб ташлайди ва ўзига шарқий Туркистон, Мянмар, Кашмир, Фаласин ва бошқа мусулмон юртларида зулм ва адоват қилган кимсалардан интиқом олиш учун албатта кўзғалиб, оёққа туради.

Хитой раҳбарлари ўзларининг аждодлари қисматидан ибрат олишлари лозим. Зеро, ўша аждодлари мусулмонлар қўшинларининг қаҳрамон қўмондони Қутайба ибн Муслимнинг хитой тупроғига албатта қадам қўйиши ҳақида ичган қасамини амалга оширишдан қочгани жой тополмай қолишган эди. Шунинг учун хитой подшоҳи унинг ҳузурига ўзининг вазириларини ва вакилларини юборган ва улар унга: ерларимизга кирманг, биз сиз нимани истасангиз ўшани бериб, сизни рози қиламиз, сизга истаганингизча жизя тўлаймиз – деб ёлворибган эди. Шунда Қутайба уларга: мен хитой ерига қадам қўйишим ҳақида қасам ичганман – деб айтганида, улар: биз сизга қасамдан халос бўлиш имконини берамиз дейишди. Шундан кейин хитой подшоҳининг вакиллари бориб, хитой тупроғидан Қутайбага олиб келишди ва у унга қадам қўйиб, унинг устида турди ва улардан жизя олди, улар хор ҳолда жизя беришди.

Мусулмонлар бу зулм, адолатсизликка сукут қилиб, ухлаб ётавермайдилар. Зеро, улар бугун бошларидан кечириётган “қоқилиш” ёз фаслидаги бир ўткинчи булутдек ҳолатдир. Яқинда Аллоҳ изни ила тикланажак Пайғамбарлик минҳожидидаги рошид Халифалик шарқий Туркистондаги мазлум биродарларимизга албатта ёрдам беради ва уларга зулм ва адоват қилган ҳар бир кимсадан албатта ҳисоб сўрайди. Росулulloҳ ﷺ дедилар: “**Имом бамисоли бир қалқондир, унинг ортида туриб жанг қилинади ва у билан ҳимояланилади**”. Ушанда на хитой ва на бошқаси бирон мусулмонга озор беришга журъат қила олади. Чунки улар ҳар бир зўравонлик учун икки ҳисса қасос олинишини жуда яхши билишади. Аллоҳ Қучли, Азиз-Ғолиб Зотдир.

Доктор Усмон Баххош

Ҳизб ут-Тахрир марказий ахборот бўлими мудири

